



# ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2003 йил 20 сентябрь, шанба • №77 (11.568)

Эркин нарҳда сотилади

## МДХНИНГ ЯЛТА САММИТИ

**ЯЛТА, 19 сентябрь.** (ЎЗА махсус муҳбири Анвар Бобоев хабар қилади). *Бугун эрталаб Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Украина Президенти Леонид Кучма билан учрашди.*

Мулоқот асосан Ўзбекистон билан Украина ўртасидаги ҳамкорликнинг истиқболига бағишланди.

Шундан сўнг Президент Ислам Каримов МДХ саммитининг асосий воқеалари бўлиб ўтаётган Ливадия саройига йўл олди.

Ливадия саройида аввал МДХ Давлат раҳбарлари кенгашининг тор доирадаги учрашуви бўлиб ўтди. Унда МДХ доирасида интеграция жараёни чуқурлаштиришга, ўзаро иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий алоқаларни янада кенгайтиришга оид масалалар муҳокама этилди.

Давлат раҳбарлари кенгашининг кенгайтирилган таркибдаги мажлисини Украина Президенти Леонид Кучма очди.

Саммитда кўрилган масалалар кўламини кенг. Бироқ муҳокама этилган масалаларнинг асосий қисми давлатлар ўртасида иқтисодий ҳамкорликни кенгайтиришга бағишланди. Президентлар 2010 йилгача иқтисодиёт соҳасидаги ўта муҳим чоратадбирларни амалга ошириш режасини тасдиқлади. Мазкур ҳужжат Ҳамдўстлик ҳудудидида эркин

савдо зонасини яратиш ҳамда ёқилғи-энергетика, транспорт ва бошқа соҳаларда ҳамкорликни фаоллаштиришни кўзда тутди.

Саммитда МДХ органлари фаолияти, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий соҳаларда ҳамкорликни кенгайтиришга бағишланган масалалар муҳокама қилинди.

Бу йил МДХ тузилганига ўн икки йил тўлади. Саммит иштирокчилари ана шу ўтган даврда тузилма доирасида қилинган ишлар ва олдинда турган вазифалар, ҳал қилинмаган муаммолар хусусида фикрлашди.

МДХ ҳақида гап кетганда, унинг Ҳамдўстликка кирувчи мустақил давлатлар тарихида тутган ўрни ҳақида ҳам айтиб ўтиш жоиз. Зеро, орадан ўн икки йил ўтиб, МДХ бизга нима берди, деган савол туғилиши табиий. Президент Ислам Каримов саммитга жўнаб кетиш олдида Тошкент аэропортида журналистларга берган интервьюсида ушбу саволга қуйидагича жавоб берди.

– МДХ фаолиятининг ижобий томонлари кўп. У собиқ империя парчалангандан кейин эски тузум сарқитларини туга-

тишга ҳисса қўшди.

Парчаланган империя ўрнида мустақил давлатлар юзага келди. Лекин, улар ўртасида турли соҳалар бўйича, жумладан, иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маданий алоқалар узилиб қолмади. Халқларимиз ўртасида ўзаро борди-келди тўхтаб қолгани йўқ. Буларнинг барчаси МДХнинг ижобий томонларидир.

Таассуфки, Ҳамдўстлик саммитларида сиёсий ва ҳарбий масалаларга кўпроқ эътибор бериб келинди. Шу мақсадда талайгина ҳужжатлар имзоланди. Биз эса ташкилотнинг иқтисодий фаолиятдан кўпроқ манфаатдоримиз.

МДХ Давлат раҳбарлари кенгашининг бу галги мажлиси ҳисоб бўйича ўттиз олтинчиси. Ана шу учрашувлар давомида юзлаб ҳужжат имзоланган. Уларнинг барчаси ҳам ҳаётга жорий қилинганими ва самара бераётганими? Бу саволга аниқ жавоб бериш қийин, албатта. Бироқ, шу маълумки, МДХга аъзо мамлакатлар турли соҳадаги ўзаро алоқаларни, турли даражада бўлса-да, давом эттириш, қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга ҳаракат қилмоқда.

Шу маънода МДХнинг Ялтада бўлиб ўтган навбатдаги саммити иқтисодий ҳамкорлик масалаларига кенг эътибор берилганлиги билан аҳамиятлидир.

сумда бундай камчиликлар бар-тараф қилинмоқда, – дейди уй-жой эгалари ширкатлари ишларини мувофиқлаштирувчи уюшма раисининг ўринбосари Баҳодир Абдуқодиров. – Хусусан, Оҳангарон сув омборидан олти километрдан ортиқ масофада магистрал сув тармоғи тортиб келингани боис шаҳарда ичимлик суви таъминоти анча яхшиланди.

ЎЗА.

Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамасининг  
ҚАРОРИ

## Муддатли ҳарбий, муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуrolли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида

*“Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:*

1. Ўзбекистон Республикасининг Қуrolли Кучлари сафларидан: муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқаролар – резервга; муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқаролар – захирага бўшатилинсин.

2. 1976-1985 йилларда туғилган, чақирилиш муддатини узайтириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари 2003 йилнинг октябрь-ноябрь ойларида муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга чақирилсин.

Муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли ҳамда чақирилиш муддатини кечиктириш ва чақирилишдан озод этилиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ ушбу чақирув мобайнида Қуrolли Кучлар сафига чақирилмайдиган шахслар сафарбарлик чақируви резервга олинсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги билан биргаликда Қуrolли Кучларнинг чақирилувчилар билан сифатли бутланишини таъминлаш мақсадида жойлардаги чақирув комиссияларининг самарали ишлашини ташкил этсинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Ф.Назиров) Мудофаа вазирлиги (К.Фуломов) билан биргаликда чақирув участкаларини зарур тиббиёт асбоб-анжомлари ва буюмлари билан таъминласин, чақирилувчиларнинг лаборатория текширувлари сифатли ўтказилишини, уларнинг турли ихтисосликдаги юқори ма-лакали врачлар томонидан ҳар томонлама тиббий текшириб кўрилишини ташкил этсин. Чақирилувчиларни тиббий текширишнинг ҳолислиги муқобил тиббий комиссияларнинг самарали ишлашини ташкил этиш орқали таъминлансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 2003 йил 17 сентябрь.

## ҚИШГА ҲОЗИРЛИК ҚИЗГИН

*Ангрена “Иссиқлик манбаи” корхонасига қарашли ўн учта марказий иситиш шохобчаси, етти та қозонхона, насос станциялари қишга шайлаб қўйилди.*

Шаҳарда иссиқлик тармоқларини мукамал таъмирлаш, янгиларини ўтказиш ишлари давом этмоқда.

– Тасарруфимизда 663 та кўп

қаватли уй бор. Ўтган қишда уларнинг кўпчилигида иссиқлик ва электр таъминотидаги узилишлар ва чакка ўтиши натижасида аҳоли анча қийналган эди. Эндиги мав-

## Улар бизнинг фахримиз



## «УСТА НОРМАТ» ЯНА ГОЛИБ ЯНА ГОЛИБ Ҳа, шундай!

*Оқкўрғон туманининг «Уста Нормат» маҳалласи ёш футболчилари Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши, республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси, Халқ таълими вазирлиги томонидан ташкил этилган «Футболимиз келажаги» республика турнирида қаторасига иккинчи бор голиб чиқиб, кубок соҳиби бўлдилар.*

(Давоми 6-бетда).

## ВИЛОЯТ КЕНГАШИНING СЕССИЯСИ

*Шу йил 18 сентябрь кўни иккинчи чақириқ халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг XVII сессияси бўлиб ўтди.*

Сессияда вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, ҳокимлик гуруҳ котибиятлари, ҳокимлик бўлим ва бошқармалари, вилоят жамоат ташкилотлари, ҳуқуқ-тартибот органлари раҳбарлари, шунингдек, шаҳар ва туман ҳокимларининг қурилиш, уй-жой ва коммуникация масалалари бўйича ўринбосарлари, шаҳар ва туман ҳокимликлари қошидаги вояга етмаганлар билан ишлаш комиссиялари раислари ҳамда шаҳар ва туман ҳокимликларининг ташкилий ишлар ва кадрлар масалалари бўйича гуруҳ раҳбарлари иштирок этдилар.

Сессияни вилоят ҳокими, вилоят Кенгаши раиси Уммат Мирзақулов бошқарди.

Депутатлар биринчи бўлиб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 3 августдаги 303-сонли қарорининг вилоятда бажарилиши борасида марказий банк, вилоят меҳнат, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармалари ҳамда Бўстонлик, Чиноз туманлари, Янгийўл шаҳар ҳокимликларида кадрларга бўлган эҳтиёж, амалдаги ва истиқболли кадрлар захирасини шакллантириш, уларни

(Давоми 2-бетда).

# ВИЛОЯТ КЕНГАШНИНГ СЕССИЯСИ

босқичма-босқич раҳбар лавозимларига тайёрлаб бориш борисидо олиб борилаётган ишларни муҳокама этдилар. Ушбу масаланинг сессия кун тартибига киритилганлиги бежиз эмас эди, албатта. Зеро, бугунги кунда кадрлар билан ишлаш, уларни тарбиялаш, айниқса, талабга жавоб берадиган, изланувчан, ҳаракатчан, етарли билим ва иқтидорга, салоҳиятга эга бўлган мутахассис кадрларни раҳбарликка тайёрлаш гоят долзарб ва зарур вазифадир.

Ушбу масала юзасидан 29-Чинобод сайлов округидан депутат, Қибрай туманидаги «Маданият» ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Акмал Назаров маъруза қилди. У ушбу масалани ўрганиш мобайнида жойларда маълум тажрибалар тўпланилганлиги, бошқармалар, туман ва шаҳарларда кадрлар билан ишлашга алоҳида эътибор берилаётганлиги билан биргаликда қатор камчиликлар ва муаммолар ҳам мавжуд эканлигини таъкидлаб ўтди.

Уни муҳокама этишда Янгийўл шаҳар ҳокими Зафар Файзуллаев, вилоят меҳнат, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғи вазифининг бажарувчи Турсумат Холбоев сўзга чиқдилар. Сессия мазкур масала юзасидан ўзининг тегишли қарорини қабул қилди.

Сессия кун тартибига киритилган иккинчи — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 1 июндаги «Қишлоқ аҳоли яшаш жойларини ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлашни янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг Тошкент вилоятида бажарилиши ҳамда 2000-2010 йилларга белгиланган ҳукумат Дастурининг ижроси ҳақидаги масала ҳам қизгин муҳокама этилди. Бу ҳақда 9-Кўрпасой сайлов округидан депутат, Олмалик шаҳридаги «Аммофос» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори Фуломжон Ибрагимов ахборот берди. Маърузада таъкидланганидек, ўтган йиллар мобайнида қишлоқ аҳолисини табиий газ ва ичимлик суви билан таъминлаш борисидо вилоятда катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилди. Қабул қилинган дастур ва чора-тадбирларнинг ижросини таъминлаш, айниқса, табиий газ ва ичимлик суви билан таъминлаш даражаси паст бўлган Оққўрғон, Оҳангарон, Бекобод, Бўка, Қуйичирчиқ, Пскент ва Ўртачирчиқ туманларида қишлоқ хонадонларини газлаштириш даражасини кўтаришга асосий эътибор қаратилди. Бунга биргина 2003 йилнинг 1 август ҳолатига вилоятда 120 километрдан ортиқ табиий газ тармоқлари қурилиб ишга туширилганлиги яққол мисолдир. Лекин айни вақтда туманларда аҳолининг табиий газ ва ичимлик сувига бўлган эътибордини тўлароқ қондириш борисидо ҳали кўп иш қилиниши зарурлиги айтилди. Асосий эътибор белгиланган дастур ва чора-тадбирлар ижросига қаратилиши керак. Бу борада бюджет маблағлари билан биргаликда нобюджет жамғармалари, корхоналар, хўжаликлар ва бошқа манбалардан тушадиган маблағлардан самарали фойдалана-

(Давоми. Боши 1-бетда).

ниш алоҳида ўрин тутати.

Ушбу масала юзасидан сўзга чиққан Пскент тумани ҳокими Абдували Ғофуров депутатларга туманда мазкур соҳада олиб борилаётган ишлар хусусида ахборот берди. Шундан сўнг депутатлар вилоят Кенгаши сессиясининг ушбу масалага доир қарорини тасдиқладилар.

Кун тартибидоги вилоят туманларида (Зангиота, Қибрай ва Тошкент туманлари мисолида) Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»га амал қилиниши ва ер ресурсларидан унумли фойдаланиш ҳамда режалаштирилган экин турлари майдонларини тўлиқ жойлаштирилиши ҳақидаги масала юзасидан 45-Ким Пен Хава сайлов округидан депутат, Ўртачирчиқ туманидаги «Гулистон» ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Қайимбой Деҳқонбоев маъруза қилди. Уни муҳокама этишда 30-Янгиобод сайлов округидан депутат, Қибрай туманидаги Т. Нормухамедов номли ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Обидхўжа Султонов, вилоят ер ресурслари бошқармаси бошлиғи Мурод Жўраев иштирок этдилар. Сессияда таъкидланганидек ер ҳақимизнинг энг катта бойлиги. Ундан фойдаланишда амалдаги қонун ва меъёрий ҳужжатларнинг бузилишига йўл қўйишга, ерни талон-тарож қилишга ёки мақсадсиз фойдаланишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Бундай ҳолатлар юз берган тақдирда тегишли чора кўриш, энг муҳими белгиланган майдонларга шартномавий экинларнинг ўз вақтида экилишини таъминлаш шарт. Депутатлар юқоридоги туманлар мисолида бунга муносиб баҳо бердилар ва сессиянинг тегишли қарорини қабул қилдилар.

Мамлакатимизда ёш баркамол авлодни вояга етказиш, улар онгига умуминсоний қадриятлар, миллий одоб-ахлоқни синдириш, Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш масаласига алоҳида эътибор берилмоқда. Бу борада Тошкент вилоятида ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Айни вақтда ўсмирлар ва ёшлар билан ишлаш, улар ўртасидаги юз бераётган жиноятчиликнинг олдини олиш борисидо муаммолар ҳам мавжуд. Шунинг учун вилоят Кенгашининг XVII сессияси кун тартибига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 сентябрдаги «Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ҳақида»ги қарори ва шу асосда қабул қилинган вилоят ҳокимининг 2000 йил 9 октябрдаги қарорининг ижроси тўғрисидаги масала киритилди. Бу масала юзасидан 49-Олмазор сайлов округидан депутат, вилоят Кенгашининг «Ёшлар сиёсати» доимий комиссияси раиси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлимининг бошлиғи Рустам Қосимов маъруза қилди. Вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Акмал Йўлдошев, вилоят прокурори Азимжон Эргашев ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини баён этдилар. Сессияда бу борадаги ишларни такомиллаштиришга қаратилган қарор қабул қилинди.

Шу кунги сессияда депутатлар томонидан Тошкент вилояти ҳокимининг айрим қарорлари ҳам тасдиқланди.

## Тақдимот

# ЯНГИ МАТБАА МАЖМУАСИ ИШ БОШЛАДИ



*Тошкент Матбаа комбинатида Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги ва Япониянинг мамлакатимиздаги элчихонаси ҳамкорлигида ишга туширилган янги матбаа мажмуасининг тақдими бўлиб ўтди.*

Унда сўзга чиққанлар Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда нашриёт-матбаа соҳасини янада ривожлантиришга катта эътибор берилаётганини таъкидлашди.

Япония ҳукумати ажратган бегараз молиявий ёрдам

асосида янги мажмуага ўрнатилган Германиянинг «Manugraph» русумли машиналари соатига тўрт хил рангда 30 минг нусха газета-журнал, китоб ва бошқа матбаа маҳсулотлари босиш имкониятига эга.

— Юртингиз фахрланса

арзигулик кўхна тарих ва бой маданиятга эга, — деди Япониянинг мамлакатимиздаги Фавкулудда ва Мухтор элчиси Акио Кавато тақдимот маросимида. — Буларнинг ҳаммасини халқингизга тарғиб қилишда матбаа муҳим ўрин тутати. Япония гранти асосида иш бошланган ушбу мажмуа ана шу мақсадга хизмат қилади.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов иштирок этди.

*Ўз мухбиримиз.*

# БОЛАЛАР ШИФОХОНАСИГА — ЗАМОНАВИЙ ЖИҲОЗЛАР

*Кеча Ўртачирчиқ туманидаги Авангард кишлоғида Тошкент вилояти туманлараро силга қарши диспансерининг болалар бўлимига дори-дармонлар ва лаборатория-диагностика ускуналари топширилди.*



Тадбирда вилоят ҳокими Умнат Мирзақулов иштирок этди.

Бу муассаса биносини таъмирлаш ҳамда жиҳозлашда Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳамда вилоятимиздаги 70 дан ортиқ ҳомийлар ташаббус кўрсатди. Уни замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминлашга эса, Германиянинг KFW ривожланиш банки кўмаклашди.

— Сил касаллигига қарши ДОТС дастури бўйича дастлабки ишлар Тошкент вилоятида бошланди, — деди ДОТС маркази директорининг уринбосари Абдулла Йўлдошев. — Германиянинг ушбу банки бунинг учун республикамизга 7,5 миллион евро миқдорда бегараз ёрдам ажратган. Унинг дастлабки 2,5 миллионини Тошкент,

Хоразм вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси учун сарфлаш дастурда белгиланган.

Касаллик билан хасталанган болаларга тўғри ташхис қўйиб, муолажаларни белгилашда, авваламбор, малакали мутахассис зарур бўлса, кейинги навбатда замонавий тиббий анжомлар туради. Шунинг учун бу даргоҳга ажратилган грант ҳисобидан жаҳон андозалари даражасидаги рентген аппарати, лаборатория учун асбоб-анжомлар ва ушбу касалликка қарши турли дори воситалари берилди.

— Бизнинг ҳукуматимиз томонидан берилган кўмакни нафақат Ўзбекистон учун, балки дунё болаларига ҳам қилинаётган ёрдам деб биламан, — деди Германия Федератив Республикасининг Ўзбекистондаги элчиси ўринбосари Курт Штёкль-Штильфрид. — Чунки, ёш авлодни тарбиялаш, соғлом ва баркамол қилиб вояга етказиш бутун жаҳон аҳлининг ишидир. Қолаверса, булар келажакда яхлит бир дунёни бошқаради.

Булим 50 уринга мўлжалланган бўлиб, бу ерда сил касаллигига чалинган болаларга аниқ ташхис қўйилади. Қисқа муддатли муолажа қилинади. Даволаш учун турли санаторийларга йўланмалар берилади.

*Камолитдин АСҚАРОВ,  
«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.  
СУРАТЛАРДА: тадбирдан лавҳалар.  
Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.*

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида ижтимоий-иқтисодий мавзуларда қалам тебратувчи журналистлар учун навбатдаги семинар бўлиб ўтди. Анжуман Республика Вазирлар Маҳкамасининг ижтимоий мажмуа ва ахборот-таҳлил бошқармаси ҳамда «Ўзтеле-радиокомпания» билан ҳамкорликда уюштирилди.

## ЖУРНАЛИСТЛАР УЧУН СЕМИНАР

Семинар республикаимиз аҳолиснинг ҳаётий манфаатларига тааллуқли бўлган мавзу — коммунал хизмат кўрсатиш соҳасидаги ислохотларнинг боришига бағишланди.

Унда сўзга чиққан Республика Вазирлар Маҳкамаси, Молия вазирлиги ҳамда «Ўзкоммунхизмат» агентлиги раҳбарлари ва мутахассислари халқ хўжалигининг бу тармоғида ислохотлар изчил амалга оширилаётганлиги, у тобора чуқурлашиб ва кенгайиб бораётганлиги, айти вақтда ҳал қилинишни кутаётган муаммолар ҳам кам эмаслиги, бу борада ҳокимликлар, маҳаллалар, оммавий ахборот воситалари олдида турган вазифалар ҳақида сўз юритдилар.

Анжуманда журналистлар ўзларини қизиқтирган барча масалалар юзасидан тегишли жавоблар олдилар. Бундай семинарларни ўтказиш давом эттирилади.

Ўз мухбиримиз.

Танлов

# ЁШ

## ИСТЕЪДОДЛАР

### Чинозда ўз иқтидорларини намойиш этишди

Кўёш ярқираб нур сочяпти. Кушлар кўкда гир айланиб учяпти. Уларнинг «чирик-чириқи» қулоқларингиз остида янграб ўтгандек туюлади. Болалар ва оналарнинг қувончи чексиз...

Чинозлик ёш рассом Баҳодир Муталов чизган бу манзарага тикилиб туриб, киши беихтиёр ўзини енгил сезади. Баҳодир борлиқни шундай жонли, завқли, сурурли тасаввур



этади ва ўз тасаввурини ўйноқи рангларда тасвирлайди.

Чинозда ўтган «Энг иқтидорли бола» танловида Баҳодир чизган расм барча иштирокчиларга манзур бўлди. Танловни «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармасининг вилоят бўлими ташкил этди. Унда ўнта ўн ёшли бола — вилоятимиз шаҳар ва туманлари танловларининг голиб вакиллари иштирок этишди.

Ўртачирчиқ туманидан келган Нозим Пўлатов биринчи ўринни эгаллади. Зангиота тумани вакиллари Шаҳноза Ҳошимова билан Нодира Ҳабибуллаева — иккинчи, олмалиқлик Зилола Мавлонова билан паркентлик Гўзал Ёкубова — учинчи ўринларни эгаллашди.

Маҳаллий ҳаваскор ижрочилар меҳмонларни куй-қўшиқлари, шўх-шўх рақслари билан хурсанд қилишди. Тошкент эстрада-цирк коллежининг толибаси Садоқат Раҳматуллаеванинг чиқишлари ҳаммада алоҳида таассурот қолдирди.

СУРАТЛАРДА: танловдан лавҳалар.

Еркебой БОТИРОВ олган сураатлар.

## Давр ва иқтисодиёт

Ҳар бир корхона ўз фаолиятида маркетинг концепциясини ишлаб чиқиши ва глобаллашаётган бозор шароитларига мослашиши зарур.

Фақат маҳаллий бозор учун ишлаш, фан ва технологиянинг ривожланиши, инвестицион фаолликнинг ошиши эртами-кечми миллий аҳамиятга эга бўлган товарларнинг ҳам рақобатбардошлик даражаси пасайишига олиб келади. Глобаллашаётган бозор шароитида халқаро тижорат операцияларини бажармайдиган компаниялар ҳатто ўзининг миллий ва ички бозориди ҳам рақобатбардошлигини бой беради. Маркетинг фаолиятининг миллий доирадаги жадаллаштириш стратегияси ҳеч қачон ўз самарасини бермаган. Протенционистик сиёсат юритаётган давлатларда ҳам тегишли товар ёки хизмат тури ва бозори турлича йўллар билан хорижий рақобатга дуч келади. Бундан ташқари, халқаро маркетинг фаолияти фақатгина йирик компаниялар ва айрим ҳолларда йирик корхоналар учунгина хос бўлган ривожланиш йўналиши сифатида эътироф этилади. Бу эса миллий корхоналарнинг ривожланишига тўсқинлик қилади.

Албатта, халқаро доирада рақобат йирик корхоналар сўнган пайтларда трансмиллий ва глобал компаниялар томонидан амалга оширилади. Лекин, ҳар бир давлат ташқи иқтисодий сиёсати кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг халқаро бозорга чиқишига ёрдам беради. Бундан ташқари, шундай корхоналарнинг халқаро савдода қатнашуви давлатнинг турли тарздаги иқтисодий, ташкилий, молиявий қўллаб-қувватлаши асоси-

да амалга оширилади.

Товарлар ва хизматлар экспортининг бошланиши — бу халқаро маркетинг фаолиятининг бошланғич босқичи ҳисобланади. Шу сабабдан, одатдаги экспорт, экспорт маркетинги, халқаро ва глобал маркетинг фаолиятларини ташкил этиш босқичлари хусусида фикр юритиш ўринли деб ҳисоблаймиз.

Одатдаги экспорт — рақобатбардош товар ишлаб чи-

Экспорт маркетинги дастлабки оддий экспорт фаолиятдан бир қарра давомийлиги, маркетинг воситаларидан (сотиш, манзил, тезлаштириш, нарх) фойдаланиши билан ажралиб туради. Экспорт ҳажми ва кўламини ошириш мақсадида улгуржи сотувчилар (дистрибьютерлар, агентлар, дилерлар ва ҳ. к.) билан дастлабки алоқалар шаклланади. Товарни харид этувчи сўнги харидор талаби, истаги асосида товарга керакли ўзгаришлар киритила бошланади, яъни товар хорижий бозорга мослаштирилади. Тегишли маҳсулот бозорини ку-

таъминот, хизмат кўрсатиш билан боғлиқ соҳаларга киришни ҳам тақозо этади.

Натижада дастлабки икки босқичга хос бўлган экспорт битими (контракти) — узоқ муддатли илмий-техникавий ва савдо тўғрисидаги битимларга кўчади. Экспортга кўмак берувчи фаолият турлари, воситаларига эътибор янада ортади.

Глобал маркетинг эса халқаро маркетинг фаолиятини интеграциялашган шакли сифатида вужудга келади. Товарни бир ёки бир неча мамлакатга эмас, балки жаҳон миқёсида сотишга эътибор кучаяди. Уни такомиллаштириш учун нафақат маркетинг тизими, балки бутун менеж-

ларнинг етишмаслиги ҳамда ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва молия соҳасидаги камчиликларга боғлиқ.

Халқаро маркетинг фаолиятини уюштиришда даставвал хорижий бозорга киришнинг бир қатор шакллари пухта ўрганиш, қиёслаш муҳим аҳамиятга эга. Ҳар бир таклиф этилаётган хорижий бозорга кириш шакли бир қатор илмий-салбий жиҳатларга эга. Бу ўринда унинг афзалликлари ва хавф-хатар даражасини ҳисоблаш, таҳлил қилиш зарур бўлади.

Халқаро маркетингга тааллуқли масалаларни ўзлаштириш, хорижий бозорга кириш объектив зарурат, рақобатбардошликни таъминлаш омилли сифатида намоён бўлади. Доимий рақобатдан доимий ҳамкорлик сари, битимлар маркетингидан муносабатлар маркетинги томон силжиш натижасида халқаро маркетингни татбиқ этиш давр талаби бўла бошлади.

Шундай қилиб, халқаро рақобатда устуворликка эришиш, доимий, ўсиб боровчи бозор талаби шароитида ишлашни истаган ҳар қандай корхона эртами-кечми халқаро маркетинг фаолиятини ўзлаштириши, маҳаллий маркетинг дастурини тобора глобаллашаётган иқтисодиёт шарт-шароитларига мослаштириши лозим. Маҳаллий ва халқаро маркетинг фаолиятларини уйғунлаштириш асосида миллий корхоналар учун ривожланиш истиқболлари очилади.

**Мираъло МУРОТАЕВ,**  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти ҳузуридаги  
Давлат ва жамият  
қурилиши Академияси  
қошидаги «Олий бизнес  
мактаби» тингловчиси.

# МАРКЕТИНГСИЗ РИВОЖ БЎЛМАЙДИ

қарувчи корхона томонидан амалга оширилиши ва бу ҳолат бир ёки бир неча мартабалик тавсифга эга бўлиши мумкин. Масалан, жаҳон бозорларида салбий конъюктура таъсирида тегишли хом ашё ёки ярим тайёр маҳсулотга талаб ортади. Бу корхона учун экспортга товар чиқариш имконини беради. Бунда корхона ўз товарининг тақдирини, муайян ва сўнги истеъмолчиси билан алоқа боғламайди, сотиш каналлари, товарни ҳаракатлантириш воситалари, қайта алоқага зарурат бўлмайди. Ҳатто, товар ҳаракати транспорт-экспедиторлик компаниясига ёки бирон-бир воситачига юклатилади.

затиш, нархга ва товар етказиб беришдаги шарт-шароитларга эътибор янада ортади.

Кейинги, учинчи босқичда эса халқаро маркетингга бўлган эҳтиёж ошади. Корхона ўз маҳсулотлари бозоридида чўқур маркетинг тадқиқотларини амалга оширади. Бу даврда товар экспорт қилинаётган мамлакатда ваколатхона, савдо уйи — шўъба корхона тuzилади ва унинг ривожланишига катта аҳамият берилади. Миллий корхона ўз экспортида фақат товар айирбошлашни эмас, балки узоқ муддатли ҳамкорлик қирраларини излайди. Манфаатдорлик товар сотишга эмас, балки хориждаги ишлаб чиқариш,

мент тизими кўмак кўрсатади. Айнан ушбу босқичда миллий корхона ўз тусини ўзгартира бошлайди ва у трансмиллий ёки мултимиллий компания тарзида ривожланишга ўтади.

Халқаро маркетинг фаолияти маҳаллий доирадаги фаолликни жадаллаштиришдек кўринса ҳам, уни ташкил этиш, бошқариш мушкул ҳисобланади. Халқаро бизнесда менежмент тизимининг шаклланишини таҳлил қилган олимларнинг фикрига кўра, фаолиятда омадсизликларнинг 53 фоизи маркетинг ҳиссасига, 35 фоизи мақкур жараёнларни бошқариш улушига тўғри келади. 12 фоизи ҳуқуқий масалалардаги билим ва кўникма-

Dushanba

22

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.45 «Тахлилнома»
8.45 «Камалун»
Болалар учун кинодастур.

оркестрининг концерти.
11.30 Теннис. Осиё чемпионати.
13.30 «Обод уйда пок одамлар яшайди».

18.20 «Олтин мерос».
18.35 «Умр мазмуни».
18.55 Бир жуфт кўшиқ.
19.05 «Мулкдор».

жест».
23.55-24.00 Ватан тимсоллари.
«Ёшлар» телеканал

20.40, 21.25, 22.35 Эълонлар.
20.45 «Гвадалупе».
Телесериал.

ахборот дастури.
18.45 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
19.05 «Хориж хабарлари».

19.00 «Мени қутгил».
20.00 «Время».
20.30 «Икки тақдир».

Seshanba

23

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.

шоу.
16.35 Киберспорт бўйича Ўзбекистон чемпионати.
16.55 «Ватанимга хизмат қиламан».

2. От спорти бўйича жаҳон кубоги.
00.05 «Ахборот-дай-жест».
00.25-00.30 Ватан тимсоллари.

иштаха.
13.35 Йигит омон бўлса...
13.50 Мусикий лаҳзалар.
14.00 Интерфутбол.

21.30 Ёшлар овози.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.

«Халқаро» телеканал
БИРИНЧИ КАНАЛ. 6.00 - 7.00.
16.00-18.00 Теннис. Осиё чемпионати.

Бадий фильм.
23.40 «Ахборот».
00.10 «Тунигиз осуда бўлсин!»

Chorshanba

24

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.

16.00 «Ягона оилада».
16.30 «Ғафлат». Хужжатли фильм.
«Болалар сайёраси»:

жаҳон кубоги.
23.35 ТВ клип.
23.45 «Ахборот-дай-жест».
00.05-00.10 Ватан тимсоллари.

ри» фестивали оханглари.
13.00 Давр.
13.10 ТВ - анонс.
13.15 Бугуннинг ёшлари.

20.20 Чемпион сирлари.
20.40 ТВ - адвокат.
20.45, 21.30, 22.35 Эълонлар.

«Халқаро» телеканал
БИРИНЧИ КАНАЛ. 6.00 - 7.00.
16.00-17.50 Теннис. Осиё чемпионати.

22.35 Кинематограф. «Қалтис қадам». Бадий фильм.

Payshanba

25

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.

10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Кенжатождан кўрк, эй ганим». Бадий фильм.

15.10 «Барҳаёт сиймолар».
15.40 ТВ анонс.
15.45 «Тайёрланмаган дарслар мамлакат».

лик».
09.05 «Хаёт ва қонун».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.

кундалиги.
23.25 «Ахборот-дай-жест».
23.45 Футбол. Ўзбекистон чемпионати.

«Халқаро» телеканал
БИРИНЧИ КАНАЛ. 6.00 - 7.00.
16.00-17.50 Теннис. Осиё чемпионати.

13.10 ТВ - анонс.
13.15 Ҳазина.
13.25 Интерфутбол.



# «МЕН ҲАЛОЛ ЯШАДИМ...»



## МЕН ЎЛМАЙМАН

Мен ўлмайман,  
Фақат бир жисмим,  
Ўз тусини, шаклин йўқотур.  
Мен яшайман,  
Менинг менлигим  
Атир бўлиб гулларга татир.  
Тўлқин бўлиб зўр дарёларда  
Қирдан қирга ошиб жўш урар.  
Менинг товушим тонг саҳарларда  
Шамол бўлиб боғларда юрар.  
Мен яшайман тотли мевалар  
Лаззатида, ҳусни-кўркида.  
Мен яшайман улуг халқимнинг  
Ниятида, орзу, эркида.

*Мустақиллигимизнинг ўн икки йиллиги олдиан Ўзбекистон фани ва маданиятининг ривожига улкан ҳисса қўшган бир гуруҳ марҳум фан, адабиёт ва санъат арбоблари қатори атоқли адиб, шоир, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шухрат ҳам Ватанимизнинг «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотланди. Агар устоз Шухрат ҳаёт бўлганларида ўзларининг 85 йиллик тўйларини биз билан нишонлаган бўлардилар. Аммо, жойларда, жумладан, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида, турли маданият масканларида адибни хотирлаб, учрашувлар, суҳбатлар ўтказилмоқда. Халқимиз ўз сеvimли шоири Шухрат домлани ардоқламоқда. Шў муносабат билан «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош тахририяти улкан шоир ва ёзувчининг «Сенин сеvimинг» номли китобини чоп этди. Китобдан шоирнинг*

*турли йилларда ёзган оташин шеърлари, шунингдек, уни билган, у билан елкама-елка туриб ижод қилган шоир ва ёзувчиларнинг дил сўзлари ўрин олган.*

*Мен ҳалол яшадим — шунинг ўзи бас,  
Энг оғир дамда ҳам айтдим ростимни.  
Сотмадим амал деб яқин дўстимни,  
Дўстликни, ростликни билдим муқаддас!*

*Ҳа, кишилар юқини елкасида кўтариб, бугунги ёруғ кунларни орзу қилган, энг оғир дамларда ҳам мағрур ва ҳалол яшган устоз Шухратнинг китоблари, ростгўй шеърлари абадий яшаб қолажак. Биз қўйида шоир ва адибимиз Шухрат домланинг турли йилларда ёзилган шеърларидан намуналарни эътиборингизга ҳавола қилмоқдамиз.*

## МЕН ТАНЛАГАН ЙЎЛ

Мен умр йўлининг зиналаридан  
Баландга чиқмоқни аҳд қилганим он,  
Кўзимга кўп гўзал кўринди жаҳон.  
Кўш қўллаб ушладим меҳнат баридан.

Белларим қайишди,  
Кўлларим толди  
Кўзларим гоҳида тиниб кетса ҳам,  
Умидим узмадим, — тиришдим маҳкам.  
Ниятим йўлдошим бўлди — куч олдим.

Мен енгил обрўни қилмадим ҳавас,  
Ё сохта мақтовга учмадим дарров.  
Билардим баъзида дўстим бўлиб ёв,  
Йўлимга ташлайди гул ўрнида хас!

Мен ҳаёт завқини меҳнатда топдим,  
Ҳа, оғир меҳнатнинг завқи ўзгача.  
Кўзимга чўккунча қоронғи кеча.  
Умримни шу йўлда ўқ қилиб отдим.

Биламан асабим бевақт титилур,  
Жонимга бемаврид ажал тикар кўз.  
Биламан ўз ўрнин топиб тушган сўз  
Асабдан, юракдан чақнаб битилур.

## ВАЪДАГА ШОШГАНДЕК

Турсунойга

Кузатдинг, мен кетдим узоқ сафарга,  
Кўзингда йилтиллаб қолди ҳижрон — ёш.  
Хаёлан ўзингни отма нам — жарга,  
О, умр йўлдошим, меҳри бир қуёш!

Ўксима, ёшинг арт гул ёногингдан,  
Оқ йўллар тилаб қол, кулиб, қувониб.  
Ваъданга шошгандек қизлик чоғингда  
Қошинга қайтарман соғиниб, ёниб!

Ахалчихо, 25 август 1959.

## ҚАЛБИМНИ ҚАЙТАР ЎЗИМГА

Сен кетдинг кузда, қолдим кузатиб,  
Ёлғиз бир ўзим.

«Омон қайт!» дедим қўлим узатиб,  
Кўзингда кўзим.

Ўзим қолдим, юрагим сенинг  
Измингда кетди.

Орзу-умидим, тилагим сенинг  
Кўзингда кетди.

Қайтар чоғингни кутдим интизор,  
Кўзим тўрт бўлиб.

Шаҳардан қайтдинг айни навбаҳор,  
Қалбинг ёт бўлиб.

Ўзинг ўша-ю, кўзинг ўша-ю,  
Юрагинг бошқа.

Бағринга аста қўлим солсам, у  
Ўхшайди тошга!..

Лекин сен менинг қалбимни қайтар,  
Қайтар ўзимга!

Кейин кўринма, эй сеvimи сотар,  
Асло кўзимга!!

Шухрат,

Ўзбекистон халқ ёзувчиси.

## ОТА-ОНАЛАР ҲАМ ЧЕТДА ЭМАС

*Янгийўл туманида беш минг томошабинга мўлжалланган марказий стадион таъмирдан чиқарилди.*

Бунинг учун эллик миллион сўм маблағ сарфланди. Энди бу ерда болалар баскетбол, футбол, волейбол, стол тенниси, югуриш, бокс каби спортнинг 15 тури бўйича мунтазам шуғулланиш имкониятига эга бўлди.

Шу йилнинг узида мавжуд спорт иншоотларини таъмирлаш ва янги спорт майдончалари қуриш учун ҳомийлар томонидан 43 миллион сўм маблағ сарфланди. Бунда корхона ва хўжаликлар, тадбиркорлар билан бирга ота-оналарнинг ҳиссаси катта бўлмоқда.

«Ниёзбош» ширкат хўжалигида ҳашар йўли билан футбол ва мини футбол майдонлари қуриб фойдаланишга топширилди. Хўжалик эса бешта мактабнинг спорт иншоотини таъмирлаб берди.

Ў.А.

*Кўплаб соҳаларда бўлгани каби вилоятимиз спортчилари ҳам мустақиллигимизнинг ўн икки йиллигини муносиб кўтиб олишди.*

Бунда жойларда аҳоли, хусусан, ёшлар жисмоний соғломлиги йўлида мутасадди ва ҳомийлар томонидан қилинаётган амалий саъй-ҳаракатларнинг аҳамияти катта бўлмоқда. Ҳар тарафлама кўрсатилаётган эътибор боис, вилоятимиз вакиллари Ўзбекистон спортида ва миллий терма жамоа таркибидаги халқаро мусобақаларда ҳам тобора салмоқли натижаларни қўлга киритишмоқда. Хабарингиз бор, яқинда келеслик спортчимиз Дилшод Мансуров (55 кг.гача вазн тоифасида) АҚШнинг Нью-Йорк шаҳрида эркин кураш бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида ҳам олтин медални, ҳам 2004 йилда Греция пойтахти — Афинада бўлиб ўтадиган ёзги олимпиадада қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритганди.

Куни кеча эса Ўзбекистон Республикаси Оқсоқоллар Кенгаши, республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси, Халқ таълими вазирлиги ҳамда кўплаб мутасадди вазирлик, идоралар томонидан юртимиз маҳаллаларидаги ёшларни жисмонан етук қилиб тарбиялаш ҳамда спортнинг оммавийлигини таъминлаш мақсадида бир неча йиллардан буён ўтказиб келинаётган «Футболимиз келажаги» республика турнирининг 11-12 ёшли маҳалла болалари ўрта-

(Давоми. Боши 1-бетда).

## «УСТА НОРМАТ» ЯНА ГОЛИБ

сидаги баҳсларида Оққўрғон туманидаги «Уста Нормат» маҳалласи ёш спортчилари голибликни қўлга киритишди. Мақтовга сазовор жиҳати шундаки, бу маҳалла футболчилар жамоаси ўтган йилги республика баҳсларида ҳам чемпион бўлишганди.

Бу йилги «Футболимиз келажаги» турнирининг 11-12 ёшли болалар ўртасидаги финалига республикамаиз маҳалла жамоалари орасида ўтказилган ҳудудий мусобақаларда голибликни қўлга киритган Хоразм вилояти Хазорасп туманининг «Авшар» маҳалласи,

Самарқанд вилояти Иштихон туманидаги Д. Махмудов номи маҳалла, Наманган шаҳридаги «Шарқ тонги» маҳалласи ва Оққўрғон туманидаги



«Уста Нормат» маҳалласи футбол жамоалари йўл олишганди.

Оққўрғонлик ёш футболчилар ярим финалда иштихонликлар устидан 1:0 ҳисобида устун келган бўлишса, хазораспликлар ҳам Наманган вилояти вакиллари 4:1 ҳисобида мағлубиятга учратишди.

«Пахтакор» марказий стадионидаги финал баҳсини томоша қилгани йиғилган минглаб мухлислар шу куни яна бир ажойиб футбол спектаклининг гувоҳи бўлишди, десак адашмаймиз. Негаки, майдонда ўзаро муносиб футбол жамоалари — Оққўрғоннинг «Уста Нормат» маҳалласи ҳамда Хазораспнинг «Авшар» маҳалласи ёшлари республика голиблиги учун кураш олиб боришди. «Уста Нормат» маҳалласи футболчилари маҳорат бобида рақибларидан анча устун эканлигини кўрсатишди ва 2:1 ҳисобида ғалаба қозониб, республика турнири голиби деган фахрли номни иккинчи бор қўлга киритишди.

Учрашув ниҳоясида голиб ва совриндорларга ташкилотчи-ҳомийлар томонидан медаллар, қимматбаҳо совғалар, фахрий дипломлар ҳамда спорт кийимлари топширилди.

Воҳид БОЙМУРОДОВ.

СУРАТЛАРДА: «Уста Нормат» жамоаси.

Рашид ГАЛИЕВ олган сураатлар.

# XXI asr va dunyo

Mamlakatlar  
Odamlar  
Voqealar  
G'aroyibotlar

Eng  
so'nggi  
xabarlar

## НАВБАТДАГИ ДОВУЛ ТАШВИШЛАРИ

АҚШда қарийб бир ҳафтадан буён давом этаётган "Изабел" довули мамлакатнинг шарқий қисмидаги тинч ҳаётни издан чиқарди. Пойтахт Вашингтонда икки кундан буён ҳукумат идоралари ёпиб қўйилган.

Вашингтон шаҳрида кучли жала ва қаттиқ шамол одамларни кўчага чиқармай қўйди. Яқин кунларда бутун Колумбия федерал округидаги давлат идоралари ёпилади. Шуниингдек, пойтахтда жамоат транспорти, жумладан, метро ва автобус ҳаракати ҳам тўхтатилган.

## ШАТТЛАР ҚАЧОНГАЧА УЧАДИ?

АҚШда кўп марта фойдаланиладиган фазо кемалари парвозини қайта йўлга қўйишга тайёргарлик кетмоқда. АҚШ фазони тадқиқ этиш ва аэронавтика миллий маркази (НАСА) вакиллари парвозлар 2004 йилнинг мартдан амалга оширилишини маълум қилди.

Бироқ америкаликларнинг аксарият қисми шаттлар ижобий натижа беришига ишонсизлик билан қарамоқда. Бундай шубҳалар шу йилнинг февралда содир бўлган «Колумбия» фазовий кемаси ҳалокатидан сўнг кучайди.

НАСА вакиллари, шаттлар парвози халқаро фазо станциясини қуриб битказиш учун зарур, дейишмоқда.

## КАНКУН АНЖУМАНИ БЕСАМАР ЯКУНЛАНДИ

Мексиканинг Канкун шаҳрида Жаҳон савдо ташкилотининг (ЖСТ) анжумани бўлиб ўтди. Беш кун давом этган мазкур тадбирда мамлакатлар ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларнинг бугунги аҳволи ва келгусидаги режалар хусусида гап борди.

Таассуфки, тараққий этган мамлакатлар ва иқтисоди ночор давлатлар ўртасида қарама-қаршиликлар келиб чиққанлиги учун ЖСТнинг бу галги анжумани ҳам бесамар яқунланди. Би-Би-Сидан олинган хабарларга кўра, томонлар учрашув якунига қадар энг муҳим масалалар юзасидан ҳам бирор битимга кела олмаган.

Маълумотларга кўра, шу йилнинг декабрь ойида ЖСТнинг навбатдан ташқари учрашуви бўлиб ўтади. Унда Канкунда якунига етмаган масалалар юзасидан музокаралар ўтказиш режалаштирилган.

## ЛОНДОНДА ҚУРОЛ-ЯРОҒ КЎРГАЗМАСИ ОЧИЛДИ

Буюк Британия пойтахти Лондондаги Excel кўرғазма марказида Европадаги энг йирик қурол-яроғ ярмаркаси очилди. Defence Systems and Equipment International деб номланган мазкур ярмаркада дунёнинг мингга яқин компанияси иштирок этаёттир.



Кўрғазмада дунёнинг етакчи компаниялари ишлаб чиқарётган ҳарбий самолётлар, вертолётлар, ўқ отар қуролларини учратиш мумкин. Кўрғазмада Европа авиаконцернининг янги маҳсулоти бўлган «Тайфун» қирувчи самолёти ҳам намойиш этилмоқда.

Кўрғазмага келганларни кўпроқ йўловчи ташиш самолётларини террорчиларнинг ракета ҳужумларидан қизиқтирмақда. Мутахассисларнинг фикрича, ҳозирги вазиятда террорчиларнинг бундай хуружи эртами-кечми содир бўлиши муқаррар.

Ҳозирда Буюк Британиянинг «British Airways» авиакомпанияси парвозлар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида авиаконцернлар билан музокаралар олиб бормоқда. Мақсад – ҳарбий авиация технологияларидан фўқаро авиациясида фойдаланишидир.

Англияда чоп этиладиган «Flight International» авиация журнали вакили Дэвид Лиармаунтнинг таъкидлашича, террорчилар томонидан учирилган ракеталардан ҳимояланишнинг бир қанча усуллари мавжуд. Мисол учун йўловчи ташиш самолёти ўзидан кучли инфракизил нурларни тарқатадиган снарядларни чиқаради. Натижада эса улар иссиқлик чиқараётган двигателга бориб тегишга мўлжалланган ракета-

ларни йўналишидан чиқариб юборади. Бироқ, қурилманинг салбий жиҳатлари ҳам мавжуд. Яъни снарядлар пастига қулаганида ердаги одамлар учун хавф туғдириши мумкин. Шу боис ҳимоянинг бундай усулидан воз кечишга тўғри келади.

АҚШнинг «Northrop Grumman», Франциянинг «Thales» ҳамда Исроилнинг «Fita» ва «Raphael» компаниялари эса ҳимояланишнинг муқобил усулини таклиф этмоқда. Бу лазер нурлари ёрдамида ракеталарни йўналишидан чиқарадиган қурилмадир.

Шуни таъкидламоқ зарурки, мазкур қурилма хавфни бори йўғи қирқ фоизгача камайтира олади. Бунинг устига мазкур қурилманинг беҳуда тревога берадиган одати ҳам бор экан. Устига-устак бундай ҳимоя воситасини ўрнатиш ҳар бир самолёт учун яна қўшимча уч миллион доллар сарфлашни тақозо этади.

Шундай бўлсада, лазер нури билан ишлайдиган ракеталардан ҳимоя воситаларига талабгорлар ортиб бораёттир. Маълумотларга қараганда, АҚШ вакиллари олти минг саккиз юзта самолёт учун ана шундай қурилмалар қуриб қилиш ниятида эканини маълум қилган.

Нодирбек ЎЛЖАБОВ,  
ЎЗА шарҳловчиси.

## ТАДҚИКОТЛАР ФАҚАТ БАҲОНА



1986 йилда жаҳон ҳамжамияти кит овига қарши тақиқ жорий қилган эди. Исландия маълум муддат бунга қўшилишдан бош тортиб келди. Фақат 1989 йилда

халқаро жамоатчилик қистови билан кит овини тақиқлади.

Орадан ўн тўрт йил ўтиб, Исландия китларни Япония каби «илмий тадқиқот мақсадида» овлаш тўғрисида қарор чиқариш ниятини маълум қилди. Халқаро атроф-муҳитни ҳимоя қилиш ташкилотлари Исландия ҳукуматининг бундай хатти-ҳаракатларини халқаро тақиқни четлаб ўтишдан бошқа нарса эмас, деб баҳоламоқда.

## УХЛАМАГАН ЖАРИМА ТўЛАЙДИ

АҚШда транспортни бошқариб бораётиб ухлаб қолувчи ҳайдовчилар сони спиртли ичимликлар истеъмол қилиб, қондани бузувчилар сонига тенглашиб қолди. Шу боис яқинда Нью-Жерси штатида уйқуга тўймай рулга ўтирувчиларга қарши қонун қабул қилинди.

Янги қонунга мувофиқ уйқуга тўймаган ҳайдовчилар учун кескин жазо чоралари қўлланилиши мумкин. Бордию ухлаб қолган ҳайдовчи айби билан содир этилган автоҳалокат фожеали оқибатларга олиб келса, айбдор ўн йилгача қамок жазосига ҳукм қилинади ҳамда юз минг доллар миқдорида жарима тўлайди.



Турфа олам

## СООБЩЕНИЕ

### О СУЩЕСТВЕННЫХ ФАКТАХ ОАО «ТОЭМЗ-1»

Порядковый номер сообщения – 09.

Вид общего собрания – внеочередное общее собрание.

Форма проведения внеочередного собрания – открытое (очная).

Дата проведения собрания – 22 августа 2003 года.

Место проведения собрания – г. Ташкент, ул. А. Мухитдинова, 1.

Кворум внеочередного собрания – 10451 голосующая акция, или 79,71%.

Вопросы, поставленные на голосование, и итоги голосования по ним:

По первому вопросу: о преобразовании ОАО «ТОЭМЗ-1» в ООО:

а) Создать комиссию по преобразованию в составе: председатель – Азимов Х. М.; члены: Солонина С. А.; Арифджанов Ф. М.; Сикорский С. В.; Петров С. К.; Алиев Р. К.

б) Произвести сбор акций в установленном законодательством порядке.

в) В установленные законодательством сроки разработать пакет документов по преобразованию в ООО и провести собрание учредителей ООО.

Проголосовали:

«За» – 10451 голос, «против» и «воздержались» – нет. По второму вопросу: обсуждение приказа ГКИ РУз № 47 к-по от 24.04.2003 года «Об увеличении уставного фонда» – согласиться:

а) Определить, что акционеры ОА после преобразования в ООО становятся его учредителями с долями,

которыми они владели в АО.

б) Согласовать с ГКИ РУз преобразование ОАО «ТОЭМЗ-1» в ООО.

в) Преимущественное право выкупа вкладов, принадлежащих государству, оставить за учредителями (акционерами) с распространением их среди учредителей ООО. Отразить данный вопрос в решении собрания.

Проголосовали:

«За» – 10319 голосов, «против» – 132 голоса, «воздержались» – нет.

Всем акционерам в течение 30 дней после опубликования данного объявления, для своевременной сдачи акций обратиться в Комиссию по преобразованию в ООО по адресу: г. Ташкент, ул. А. Мухитдинова, 1.


Дата составления протокола: 22 августа 2003 года.

Дата, на которую произошли указанные изменения, – 22 августа 2003 г.

Справки по телефону: 169-15-97.

## СОТИЛАДИ:

ХС-1,8 пахта териш машинаси  
Т28х4МА-трактори базасида  
1996 йил ишлаб чиқарилган,  
машина янги, ишлатилмаган,  
омборхонада сақлаиан.



Маълумот учун телефонлар:  
132-18-40, 132-18-41, 66-42-77, 108-55-91.

Bolalik bog'i

FALSAFA

It mushukni ko'rgan dam
Yeb qo'ygudek tashlanar.
Adovat bor ming yillik,
Qaydam, ko'ngli g'ashlanar.

Mushuk esa erta-kech
Kun bermaydi sichqonga.
Sichqon ko'z olaytirar
Qopdagi bug'doy-donga.

Bu hayot — kurashadi
Umr qorishiq jangga.
Alam qilar, kun bermasa —
Har kim kuchi etganga.

HAYVONOT
BOG'IDA MAYMON

Konfet otdik bitalab,
Cho'chchaytirdi bitta lab.
Qashinib xo'p kuldirdi
— Tashladi-ku bitalab.



AYIQ

Asal ko'rib u yaladi,
Arilar uyaladi.

Chaqdi, beayov chunki
Na qo'rqar na uyaladi.

Ne'mat DUSHAYEV.

ШОИРГА ЭХТИРОМ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида атоқли авар шоири Ра-
сул Ҳамзатов таваллудининг 80 йиллигига бағишланган ан-
жуман бўлиб ўтди.

Унда сўзга чиққан Ўзбекистон халқ шоирлари, Ўзбекис-

Масал

Ўта билимдон ҳисобланган қурбақа мут-
лақо банд бўлишига қарамай, кеча тухумдан
чиққан итбалиқларга икки-уч кун сабоқ бе-
ришга рози бўлди. Ҳали вақиллаш у ёқда
турсин, тузукроқ қуриллашни ҳам билмайдиган
итбалиқлар думини ликиллайтиб, кўлмак-
нинг у ёғидан-бу ёғига танда кўйишарди.

Устоз уларга қамишлар билан ўралган шу кўлмак уларнинг абадий макони эканлигини, тез орада думлардан халос бўлиб, ҳақиқий қурбақаларга айланишларини, бу дунёда уларнинг вақ-вақидан ҳам чиройли оҳанг йўқлигини ва бошқа кўплаб нарсаларни тушунтирди.

Биринчи марта «вақ-вақ, вақ-вақ» деб юборган итбалиқ савол бериб қолди:

— Бизнинг кўлмақдан бошқа гўзал нарса бу оламда йўқ дедингиз, устоз, унда шовуллаган товуш қаёқдан келяпти?

— Шовуллаган дарё, — деди қурбақа, — у ҳам кўлмагу, лекин, сал каттароқ ва суви қайгадир оқади. Унда бизнинг узоқ аждодларимиз — балиқлар яшайди.

— Мен ҳам ўша ерда яшашни хоҳлайман, — деб қолди бояги итбалиқ.

— Йўк, йўк, — деди устоз, — дарё суви

кўкимтир-оқимтир, тинқимией, ишқилиб бизнинг гўзал балчиқ аралаш бўтана сувимизга сира ўхшамайди. Биз у ерда яшашга мослашмаганмиз.

Хуллас, ўжар итбалиқ сув кўтарилиб, пайсайганда дарёга ўтиб олди. Қирғоқдан нарига ўтаолмаса ҳам дуч келган чиғаноқнинг устига чиқиб олиб, вақиллайдиган бўлди. Бу нарса истеъдодсиз беш-олтита балиқчаларга жуда кўл келди. Улар кўпикка ёнбошлаб олиб, бири-бирини мақтаб, тонгни тунга улайдиган бўлишди.

Ёшини яшаган мўсафид балиқларнинг насиҳати жабраларининг у ёғидан сув билан кириб, нариёғидан чиқиб кетарди. Бир куни қирғоқ яқинида сузиб юрган қария чўртанбалиқ қурбақага гап қотди:

— Яқинда думинг тушиб, шўринг қурийдди. Бу маддохларга кўшилиб, кулги бўлгунча, ўз қавмингга қайт. Кўлингдан келадиган ишни қилганинг маъқул.

Ўжар итбалиқ бу гапларга парво ҳам қилмади.

Аммо, шу палла ой тўлиб, сув кўтарилиб, қирғоққа ўрмалади. Думидан айрилган шўрлик итбалиқни чўртанбалиқ суви саёз бўлса ҳам бир амаллаб, қамишлари кўриниб турган кўлмаккача етаклаб борди. Икки орада сарсон-саргардон бўлиб юрган итбалиқ сал бўлмаса, жонажон кўлмагидан айрилиб қолай деди.

Рустам ХУДОЙҚУЛ.



АНЪАНАГА АЙЛАНГАН

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик катта театрида ижодий мавсумни атоқли композитор Сулаймон Юдаковнинг «Майсаранинг иши» асари билан бошлаш яхши анъанага айланиб қолди.

Бу мавсумнинг биринчи кунида мазкур комик опера томошабинларга янгича сахнавий талқинда тақдим этилди.

«Майсаранинг иши» асари намойиши мазкур опера муаллифига бағишланган янги тўпламнинг чоп этилиши билан бир вақтга тўғри келди, — деди театр директори Бахтиёр Ёқубов. — Ўзбекистон Миллий консерваторияси профессори Вера Плунгян томонидан босмага тайёрланган «Сулаймон Юдаков замондошлари хотирларида» деб номланган ушбу китобда композиторнинг сермахсул ижодий йўли ёритилди. Биринчи ўзбек комик операсининг чет эл постановкалари ҳақида ҳикоя қилинади.

Китоб нашри театр ва «Бри-тиш Американ Тобакко-Ўзбекистон» қўшма корхонаси ҳамкорлигида амалга оширилди.

«Туркистон-пресс».

Сканворд

Scrabble grid with words: Аҳоли пункти, Моқир отувчи, Мумтоз туссий божлар асар, Шошма-шошар, Чопиб маълумланган гўшт, Ўзбек эстрада тўрғузи, Мусиқий Нота, Волида, Қизлар исми, Қизил бадаламан қолingan кўрпак шўри, Ён икки буржнинг бири, Ёғин тури, Саид Аҳмад Ёзган асар, Бир хўжайин сойда жонивор, Олов, эт, Отлар подаси, Намоз ўқиб учун саланган мато, Фаси, Хотин, тўрмаш ўртоғи, Мангу, думиши, Эркин, озод, Кучли совуқ, Айирувчи боғ-ловчи, Хўшбўй чейлон чойи, Проект, Аф-башара, Кўзгу, Кўп қаватли бина-ларда бўлади, Миллат, Бириктирувчи боғловчи.

Тузувчи: Ақромжон ХУЖАМОВ.

Халқ табобати

ЕРЧОЙ

Ерчай кўп йиллик ўсимлик ҳисобланиб, бўйи — 45 см.гача етади. Поялари тик ҳолатда ўсади. Сершоҳ барглари тухумсимон ёки думалоқ, патсимон қирқилган, навбатма-навбат жойлашган. Гуллари сариқ рангли бўлиб, поясининг учидан чиқади.

Июнь-июлда гуллаб, июль-августда мевалари етилади.

Табобатда илдизларидан тайёрланган қайнатмани кўкрак огриғида, шунингдек, ичкетар маҳалида ичиш учун буюрилади. Барглари ва илдизларининг қайнатмасини томоқ касалликлари ҳамда бошқаларга даво қилишда оғиз ҳамда томоқни чайиш учун ишлатилади.

Замонавий табобатда бу ўсимлик ўти, илдизлари дамламаси, қайнатмаларининг захарли хоссалари йўқлиги аниқланган. Эфир мойини, унинг таркибида евгонол кўп бўлганлигидан, тиш шифокорлик амалиётида четдан келтирилмайдиган қалампирмунчок мойи ўрнига ишлатиш, илдизларидан тайёрланадиган до-риворларни меъда-ичак касалликлари давоси учун қўллаш тавсия этилган.

Тайёрлаш усуллари: 1. Майда тўғралган 2 чой қошиқ ерчай ўтини термосга солиб, устидан 200 мл қайноқ сув куйилади-да, 2 соат дамлаб қўйилади. Сузиб олиб, овқат олтидан 1 ош қошиқда кунига 3 маҳал ичиш учун буюрилади. 2. Майда тўғралган ўти ёки илдизларидан 2 ош қошиқ олиб, устига 400 мл қайноқ сув куйилади, термосда кечаси билан дамлаб қўйилади. Бу дамламани яллиғланиш касалликларида оғиз ва томоқни чайиш учун ишлатилади.

либ деди:
— Эшитдингми, раис бўшаб кетармиш...
— Ростданми, мендан икки юз сўм қарзи бор эди, югуриб бориб олиб келай.
— Тентак, идорани қоровули эмас, хўжалик раиси бўшаётганмиш!

Мавлуда ЭГАМБЕРДИЕВА тайёрлади.

Кулганга
НИМА
ЕТСИН!

Мастликдан кейин ўзига келган Мамарайим ўртоғига деди:
— Абдурайим, кеча ариқдан менга эътибор бермасдан ўтиб кетдинг-а?!
— Ия, ўша сенмидинг, мен Маъруфжон тоғанинг эшаги ўтлаб юрибдим деб ўйлабман.

Хўжалик тракторчиларидан бири ховлиқиб ке-

TOSHKENT HAQIQATI
Муассис ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ
Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ
Шелефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48. Эълонлар: 133-70-10, 136-53-54.
Манзилими: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 8 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳрирати компьютер марказида терилди ва саҳифоланди.
Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.